

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА САМАРАЛИ
СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

Дусияров Шерзод Холмуродович,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Аннотация: Мазкур мақолада ишлаб чиқаришни модернизациялашда ва корхоналар инвестицион фаолиятини рағбатлантиришида солиқ механизми самарадорлигини ошириш йўларининг жаҳон тажрибаси келтирилган. Мақолада солиқ механизми, хусусан солиқ имтиёзларининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришига таъсири, уларнинг натижага йўналтирилиши ҳамда мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда солиқ имтиёзларининг самарадорлиги ва натижадорлигини кучайтириш юзасидан таклифлар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: Ишлаб чиқариш, модернизация, солиқ имтиёзлари, инвестицион солиқ кредити, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, амортизация, солиқ юки, солиқ механизми, фойда солиғи, ЯИМ.

**ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ НАЛОГОВЫХ
МЕХАНИЗМОВ ПРИ МОДЕРНИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА**

Дусияров Шерзод Холмуротович,

Доцент Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: В данной статье представлен мировой опыт путей повышения эффективности налогового механизма при модернизации производства и стимулировании инвестиционной деятельности предприятий. В статье сформулирован налоговый механизм, в частности влияние налоговых льгот на развитие производства, их направленность на результат, а также предложения по усилению эффективности и результативности налоговых льгот в обеспечении стабильности экономики страны.

Ключевые слова: Производство, модернизация, налоговые кредиты, инвестиционный налоговый кредит, модернизация производства, амортизация, налоговая нагрузка, налоговый механизм, налог на прибыль, ВВП.

**WAYS TO USE EFFECTIVE TAX MECHANISMS IN MODERNIZING
PRODUCTION**

Dusiyarov Sherzod Kholmurotovich,

Associate Professor of Tashkent State University of Economics

Abstract: This article presents the world experience of ways to improve the efficiency of the tax mechanism in modernizing production and stimulating investment activities of enterprises. In the article, the tax mechanism, in particular, the impact of tax incentives on the development of production, their orientation to the result, and suggestions for strengthening the effectiveness and efficiency of tax incentives in ensuring the stability of the country's economy are formulated.

Key words: Production, modernization, tax credits, investment tax credit, production modernization, depreciation, tax burden, tax mechanism, profit tax, GDP.

Кириш

Чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни комплекс модернизация қилиш, замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ғояси илк бор Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йилдаги қўшма йиғилишида янграган. Шундан буён иқтисодий модернизиациялаш мавзуси Хукуматнинг диққат марказида бўлиб, иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисоблананди

Адабиётлар шарҳи.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашда солиқ механизмдан фойдаланишнинг назарий ва услубий жиҳатлари, инновацион салоҳиятни баҳолаш ва бошқариш механизмлари муаммолари кўплаб иқтисодчи ва сиёсатчи олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Жумладан, энг аввало, ишлаб чиқариш тармоғи тушунчасига тўхталиб ўтсак. Ишлаб чиқариш – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилиги қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хом ашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Ўз навбатида, модернизация атамасининг мазмунига ҳам таъриф бериш зарурати пайдо бўлади. Модернизацияни одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодийга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади». Фикримизча, бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмуни тушунишда иқтисодчи олим Р.Нуреев (2005) томонидан неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейинчилар томонидан, энг аввало, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликнинг замонавий тармоқларининг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади.

Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу

борада таракқиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Шунингдек, солиқ механизми атамаси моҳиятини ёрилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Майбурувнинг (2015) фикрига кўра тор маънода солиқ механизми - солиқларни ташкил этишда иштирок этадиган, солиқ солиш билан боғлиқ элементлар йиғиндиси дея таъкидлаган. Кенг маънода эса солиқ механизми – ўзида мамлакатнинг мавжуд бўлишини таъминлаш учун, унинг солиқ тизимини бошқариш тартибини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар тизимини ва ташкилий чораларни ифодалайди. Солиқ механизмининг ташкил этиш пойдевори – мамлакат солиқ тизимини бошқариш функцияларини амалга оширишга масъул бўлган аниқ субъектларни, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғиндисини, солиқ муносабатларнинг субъектлар таркибини ва бу механизмни амалга оширишнинг аниқ қонун-қоидаларини белгилайдиган солиққа оид қонун ҳужжатлари деб ҳисоблайди.

Ишлаб чиқаришни солиқлар воситасида тартибга солиш юзасидан биринчилардан бўлиб Стаффорд (1581) ўзининг “Беглое обсуждение английской политики” асарида «Фақатгина экспорт тармоқларига аҳамият бериш керак. Хом ашёни эмас, балки қайта ишланган маҳсулотларни четга олиб чиқиш керак. Ер хўжалиги билан мамлакатнинг барча ишчиларини банд қилиб, иш ҳақи билан таъминлаб бўлмайди. Ишлаб чиқариш – бир мунча муҳим ишдир. Бироқ давлат тақиқлар билан эмас, балки божлар ва солиқлар билан ҳаракат қилиш керак» дея таъкидланган. Шунингдек, Рикардо (Майбурд, 1996) ўзининг «Начала политической экономии и налогового обложения» асарида мавзуга оид муаммоларни тадқиқ этган. Маркс (Майбурд, 1996) ҳам солиқлар ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсир этиш муаммоларига эътибор берган.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш ҳамда инвестиция жараёнига солиқларнинг таъсир этиш муаммолари бўйича Кейнс (Тошматов, 2016) фаол тадқиқотчи ҳисобланган. Кейнс ва унинг издошлари ишланмалари асосида XX аср бошида кейнсчилик назариясига асос солинган. Ушбу назариянинг марказий ғояси солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг ягона воситаси эканидан ва унинг муваффақиятли ривожланишининг таркибий қисмларидан бири эканидан иборат бўлган. Унинг фикрича Кейнсчилик назариясига мувофиқ бозор иқтисодиёти муносабатлари такомиллашган ва ўзини ўзи тартиблаб турувчи тизим ҳисобланмайди. Фақат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иш билан бандликни энг юқори даражага ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин.

Ушбу назария ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилишини таъминлаш учун, демакки, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун «самарали талаб»ни яратиш зарурлигини исботлайди. Умумий талаб динамикасини фаол давлат аралашуви орқали бошқаришни таклиф қилди. Давлат нафақат кредит-пул, балки бюджет сиёсати орқали солиқларнинг тегишли тизими йўли билан истеъмол қилишни рағбатлантиришга таъсир кўрсатиши керак деб ҳисоблаган Кейнс.

Лаффер (Ниязметов, 2016) эса солиққа тортиш меъёри хусусидаги назарияни ишлаб чиқиб, унинг фикрича солиқ ставкаларининг маълум миқдоргача ошиб бориши бюджет даромадларининг кўпайишига хизмат қилади,

лекин солиқ ставкалари меъёридан ошиб кетса бюджет даромадлари аксинча камайиб боради деган хулосага келган.

Неоклассик назарияси эса (Тошматов, 2016) эркин рақобат ва табиийлик, иқтисодий, хусусан ишлаб чиқариш жараёнларининг барқарорлиги устуворлигига асосланади. Маршалл бу назария асосчиларидан бири ҳисобланади. Ушбу назариянинг кейнсиан концепциядан фарқи давлат томонидан тартибга солиш методларига бошқача ёндашувдан иборат. Агар кейнсиан мактаби динамик тенглик барқарор эмас ва шу туфайли давлат иқтисодий жараёнларга тўғридан-тўғри аралашуви зарур деб ҳисоблаган бўлса, неоклассик йўналишга кўра ташқи тузатиш чоралари эркин рақобат қонунлари таъсирига халақит берувчи тўсиқларни бартараф қилишгагина йўналтирилган бўлиши керак, давлат аралашуви ташқаридан ҳеч бир ёрдамсиз иқтисодий тенгликка олиб келишга қодир бўлган табиий ўзини ўзи тартибга солувчи қонунлар билан бирга бозорни чекламаслиги керак.

Неоклассик назарияси йўналиши бўлган таклиф иқтисодиёти назарияси вакиллари иқтисодий либерализм ғоялари тарафдорлари ҳисобланади. Назарий нуқтаи назардан концепция капитал ва давлат молиялари тўплаш каби макроиқтисодий муаммоларни таҳлил қилишга макроиқтисодий ёндашув тамойилларини қўллаш билан таърифланади. Бунда солиқлар ва солиқ сиёсатининг иқтисодий фаолликка таъсирига, тартибга солиш тизимини тузатишга, иқтисодий сиёсат мақсадлари ва устуворликларини алмаштиришга, ушбу мақсадларга эришиш методлари модификациясига асосий эътибор берилади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий ва динамикада ўрганиш, тасвирий статистик, индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Одатда солиқлар орқали тартибга солишда солиқ тизимининг асосан икки муҳим инструментдан кўпроқ фойдаланилади: ставкалар ва имтиёзлар. Ҳозирги кунга келиб биринчи инструментдан, яъни ставкаларни пасайтириш тарзидаги инструментдан етарлича фойдаланилди. Мисол учун фойда солиғи ставкасидан 1995 йилдаги 38 фоиздан 2023 йилда 15 фоизга ёки 28 йил мобайнида 2,5 баробардан зиёдга камайтирилди.


Солиқлар орқали тартибга солишнинг иккинчи инструменти имтиёз ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири ҳисобланган иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлар бериш йўли билан ривожантиришни рағбатлантиришдир. Умумэътироф этилган жаҳон таснифига мувофиқ Ўзбекистон шароитида қуйидаги солиқ имтиёз турлари кенг тарқалган:

- маълум бир муддатга бир ёки бир нечта солиқлардан корхоналарни озод қилиш;

- тўғри солиқлар бўйича ставкаларни камайтириш;

- алоҳида турдаги экспорт-импорт операция турларини божхона тўловларидан озод қилиш;
- ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш жараёнларини рағбатлантириш учун тезлаштирилган амортизацияни жорий қилиш;
- фаолият туридан келиб чиққан ҳолда солиқ турлари бўйича солиқ солиш базасидан камайтириш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида фойда қисмида солиқлар тўловидан озод қилиш;
- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли имтиёзлар бериш.

Лекин, қуйидаги 1-рasm далолат беришича 2018-2023 йилларда иқтисодиётдаги умумий солиқ юки ўртача 21,8 фоизни ташкил этган бир вақтда, Ишлаб чиқаришдаги солиқ юки энг паст кўрсаткичи ҳам қарийб икки барабар юқорилигини кузатиш мумкин.



1-рasm. ЯИМ ва ишлаб чиқаришдаги маҳсулотлар ўсиши ҳамда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги солиқ юкининг таҳлили¹


Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси расмий сайтларидаги маълумотлар ва ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида корхоналарга бир қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилган.

Модернизация жараёнларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш натижасида иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар миқдори ва ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўсишига эришилди.

2018-2022 йиллар мобайнида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1036,1 трлн.сўмни ёки 129,5 млрд.долларни ташкил этди. Ушбу даврда инвестициялар ҳажми йилига ўртача 15 фоиздан ошган. Лекин, мамлакат ЯИМ ва саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари мос равишда ўртача йилига 5.5% пасайган ҳамда ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги улуши 107,9% дан 105,4% гача пасайган. Буларни дунёдаги вазият билан изоҳлаш мумкин (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг 2018-2022 йиллардаги

ЯИМ, ишлаб чиқариш ва инвестициялар бўйича кўрсаткичлар таҳлили²

Мамлакатимизда 2016 йиллардан олдинги ҳолатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнлари ривож учун фискал рағбатлар самарадолигини пасайтирувчи қатор муаммолар мавжуд бўлган. Хусусан, солиқ имтиёзларининг ўсиш суръати Ишлаб чиқаришдаги маҳсулотлар ҳажмининг

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси расмий сайтларидаги маълумотлар ва ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

ўсиш суръатидан илгариланган эди. Бугунги ислохатлардан келиб чиқиб, индивидуал хусусиятга эга бўлган солиқ имтиёзлардан воз кечган ҳолда умумий тартибдаги солиқ имтиёзлари берилмоқда. Хусусан, 2018-2022 йилларда ишлаб чиқаришдаги корхоналарга тақдим этилган солиқ имтиёзлар ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 10 фоизни ташкил этган бўлса, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 60 фоизни ташкил этмоқда. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, самарали солиқ имтиёзлар қўлланилган ҳолда солиқ базасининг оширилишига имкон яратилган.

Алоҳида йиллар бўйича эса 2018 йилда ишлаб чиқаришдаги солиқ имтиёзлар ҳажмининг ўсиш суръати 9,6 фоизни ташкил этган бўлса, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръати 55,2 фоизни ташкил этган. 2022 йилда ишлаб чиқаришдаги солиқ имтиёзлар ҳажми 13,2 фоизга ошган бир вақтда Ишлаб чиқаришдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръати 61,7 фоизни ташкил этган, бу эса ўз навбатида солиқ рағбатларидан фойдаланиш самарадорлиги юқорилигидан далолат бермоқда. (1-жадвал)

1-жадвал

Ишлаб чиқаришдаги солиқ имтиёзлари таҳлили³

	2018	2019	2020	2021	2022
Иқтисодиётдаги солиқ юки (%да солиқ ва божхона тўловлари ЯИМга нисбатан)	18,6	21,2	22,1	22,4	23,4
Солиқ имтиёзлари (%да ЯИМга нисбатан)	5,3	5,5	5,1	5,9	8,1
Солиқ имтиёзлари (%да умумий солиқ тўловларига нисбатан)	4,7	26	23,4	26,4	36,1
Саноатдаги солиқ имтиёзлари (%да ЯИМдаги саноат улуши (%да ЯИМга нисбатан))	9,6	9,03	8,4	9,5	13,2
Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)	235340,7	322535,8	368740,2	456056,1	553265,0


Шунингдек, 2018-2022 йиллар давр мобайнида ҳар 5 йил давомидаги фойдаланилган умумий имтиёзларнинг тенденциясини 3-расм орқали кўриб чиқар эканмиз, берилаётган имтиёзларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 6 фоизни, солиқ тушумларига нисбатан эса ўртача 23,3 фоизни ташкил этишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лойиҳаларида имтиёзлардан фойдаланишни мониторинг қилиш тизими мавжуд эмас. Солиқ ва

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси расмий сайтларидаги маълумотлар ва ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

божхона имтиёзлари эришилган натижалар: таннархни камайиши, меҳнат унумдорлигини ўсиши, фойдани ўсиши, бандликни, ишлаб чиқариш қувватларини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши, энергияни тежалиши, экспорт ҳажмини ўсиши ва бошқалардан қатъий назар тақдим этилади, яъни «имтиёзлар – модернизация - натижалар» тамойилида фойдаланилмайди. Мазкур ҳолат ишлаб чиқариш тармоқлари ривожига солиқ ва божхона имтиёзларининг таъсирига баҳо беришни қийнлаштиради.

Имтиёз қўлланилиши учун шарт-шароит, яъни агар ҳисобланган амортизация суммаси модернизацияга йўналтирилган маблағлар суммасидан юқори бўлган тақдирда солиқ солинадиган фойдадан камайтирилмаслиги бу имтиёз ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланилишида муҳимлигини пасайтиради. Бундан ташқари, катта ҳажмдаги инвестицияларга қарамасдан, ишлаб чиқариш тармоқларида асосий фондларнинг эскирганлик даражаси ошиб бормоқда ёки юқориликча сақланиб қолмоқда (Ш.Дусияров, 2023).



3-расм. 2018-2022 йиллар давомида солиқ имтиёзлари, солиқ тўловчилар сони ва ЯИМ ўсиш тенденцияси⁴

Жумладан, аксарият ҳолларда берилаётган у ёки бу солиқ имтиёзлари фақатгина унинг жорий қилиниши босқичида баҳоланади, кейинчалик бюджет даромадларидаги тегишли йўқотишлар миқдори етарли даражада баҳоланмайди

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси расмий сайтларидаги маълумотлар ва ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

ёки қисман баҳоланади, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган мақсад самарадорлиги эса таҳлил қилинмайди.

Хозирги кунга келиб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётида корпорациялардан даромад солиғи ундиришда, солиқ таътиллари, тезлаштирилган амортизация, инвестицион солиқ кредити шаклидаги солиқ имтиёзлари кенг қўлланилиб келинмоқда.

Султанов Г.С. ва бошқалар (2015) ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини (Германия, Франция, Япония ва Россия) ўрганганимизда, инвестицион солиқ кредити мавжудлиги, бунда хўжалик юритувчи субъект муайян шартлар асосида имтиёз олиши, яъни имтиёз тақдим этилиши натижасида корхона рентабеллигини ошиши, янги иш ўрнини ташкил этилиши, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни (ишлар ва хизматларни бажариши) ишлаб чиқарилиши, ҳудудлар инфратузилмаси ривожлантирилиши, қувватларни тежалиши ва шу каби бошқа зарур мезонлардаги кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобдан чиқариш, қисман қайтариш ёки фоизи билан тўлиқ қайтариш ўз самарасини бериб келмоқда.

2-жадвал

Жаҳоннинг 103 та ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида кенг тарқалган солиқ имтиёзларининг шакллари⁵

Имтиёз шакллари	Африка (23 мамлакат)	Осиё (17 мамлакат)	Лотин Америка ва Қариб бассейни (12 мамлакат)	Марказий ва Шарқий Европа (25 мамлакат)	Ғарбий Европа (20 мамлакат)	Бошқа мамлакатлар (6 мамлакат)	Жами мамлакатлар (103)
Солиқ таътиллари	16	13	8	19	7	4	67
Тезлаштирилган амортизация	12	8	6	6	10	5	47
Инвестицион (скидки) чегирма	4	5	9	3	5	0	26
Импорт божларидан озод қилиш	15	13	11	13	7	4	63

Жумладан, Францияда фойда солиғи суммаси ҳисоб-китобидан бевосита чегирилиб, солиқ тўловлари камайтирилиши ҳисобига корхонанинг янги инвестицияларининг муайян бир қисмини молиялаштиришга имкон берадиган инвестицион солиқ кредити қўлланилади (Л.Попова, 2007).

Шунингдек, Россияда ҳам инвестицион солиқ кредити жорий қилинган бўлиб, корхоналарга фойда солиғи, ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича 1 йилдан 5 йилга қадар, алоҳида ҳолларда эса 10 йилга қадар тақдим этилади. Инвестицион солиқ кредити юзасидан тегишли шартнома корхонанинг аризаси асосида ваколатли давлат органи томонидан тузилади.

К.Исламов (2023) фикрига кўра инвестицион солиқ кредити – бу солиқнинг тўлов муддатини шундай ўзгартиришки, бунда ташкилот муайян асослари мавжуд бўлган тақдирда, маълум бир муддат ва меъёрларда ўзларининг солиқ

⁵ Эльдарушева М. – “Развитие механизма налогового стимулирования инвестиционной деятельности в экономически слабых регионах” и.ф.н. илмий даражаси диссертацияси. М.: 2014. 224 б.

бўйича тўловларини кейинчалик босқичма-босқич кредит ва ҳисобланган фоиз суммаларини тўлаб бериш шарт билан камайтиришдир.

Шартномада аниқ муддат, муайян шартлар ва тўлов муддати узайтириладиган солиқ турлари белгиланади. Инвестицион солиқ кредитини олган корхона шартномада назарда тутилган муддат мобайнида ҳар бир ҳисобот даврида тегишли ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида камайтиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади. Камайтиришлар натижасида йиғилган солиқ суммаси шартномада назарда тутилган инвестицион солиқ кредити суммасига тенг бўлгунга қадар камайтиришлар амалга оширилиб келинади.

Инвестицион солиқ кредити бюджетга ўтказилиши керак бўлган даромад қисмидан тегишли солиқ тури бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ бўйича тўлов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган кредит суммаси ташкилотнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Инвестицион солиқ кредитининг фоиз ставкаси Россия федерацияси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг $\frac{1}{2}$ фоиз ставкасидан кам бўлмаган ва $\frac{3}{4}$ фоиз ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади (Россия федерацияси Солиқ кодекси, 2016).

A.L. Griffiths, K. Nerenberg ва, D. Wals (2010) маъумотларига кўра ривожланган мамлакатларда инвестицион солиқ чегирмалари ёки инвестицион солиқ кредитлари жорий қилиниши тадбиркорларни ускуналар паркинни кенгайтириш ёки эскирган ускуналарни қайта жиҳозлашга инвестиция қилиш учун рағбатлантиришга мўлжалланган. АҚШда ушбу имтиёз жорий қилинган вақтдаги энг юқори ставкаси камида 8 йил хизмат муддати бўлган ҳолда машина ва ускуналарга инвестиция қилинган маблағларнинг умумий қийматидан 7%ни, энг паст ставкаси эса активлар учун фойдаланиш муддати 4-6 йил бўлгани ҳолда 2,33%ни ташкил этган.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, фойда солиғи бўйича тақдим этилаётган имтиёзларнинг асосий шакли сифатида инвестицион солиқ кредитини татбиқ этилиши корхоналар солиқ юқини камайтиришга ва инвестицион жараёнларни фаоллаштиришга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Мавзуга доир амалга оширилган тадқиқотлар ва илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Солиқ имтиёзларининг иқтисодиётга таъсирини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги, солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширишни тўхтатувчи омил ҳисобланади. Бу иқтисодиёт ва бюджет учун иқтисодий оқибатларидан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди ҳамда имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлиги яратилишини қийнлаштиради.

2. Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан

фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

3. Модернизация жараёнларини фискал рағбатлантириш чора тадбирлари монетар, валюта ва ишлаб чиқариш сиёсати билан биргаликда олиб борилган тақдирда кутилган натижа самаралироқ бўлиш имконини беради. Шунингдек, ушбу ислохотларни амалга оширишга масъул давлат бошқарув институтларини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

солиқ имтиёзлари солиқларни тўлиқ озод қилиш тарзидаги алоҳида тақдим этиладиган имтиёзларни имкон қадар қисқартирилиши, тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари натижага йўналтирилиши, яъни имтиёз тақдим этилиши натижасида корхона рентабеллигини ошириши, янги иш ўрнини яратилиши, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши ва қувватларни тежалиши каби мезонлардаги ижобий ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилиши;

модернизация имтиёзлари фақат модернизация учун эмас, балки маълум шартлар остида, яъни инвестицион солиқ кредити каби берилиши, модернизация олдида қўйилган натижага эришилгач шартли инвестицион солиқ кредити сўндирилган деб ҳисобланиши, акс ҳолда имтиёз берилган давр тугагач инвестицион солиқ кредитининг натижадан ортиқча қисми бюджетга қайтарилиши;

тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини бюджет даромадларидаги тегишли йўқотишлар миқдорини аниқ баҳолайдиган, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган мақсад самарадорлиги таҳлил қилинадиган ривожланган давлатларнинг андозалари асосида такомиллаштирилган, фискал ва иқтисодий мониторингдан ўтказиш бўйича услубиётни ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар амалда қўлланилиши келажакда Ишлаб чиқаришни модернизациялашда, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишда, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда, имтиёзлар ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар мақсадли йўналтирилишида ва солиқ тушумларини оширишда сезиларли натижаларга эришилади деган умиддамиз.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Dusiyarov, S. K. (2021). Issues Of Supporting Activities Of Business Entities Through Improving Tax Administration In Uzbekistan. *Academicia Globe*, 2(11), 51-59.
2. Dusiyarov, S. X. (2023). Stages of entrepreneurship development in uzbekistan and its role in the national economy. *Modern Science and Research*, 2(6), 16-25.
3. Дусияров Ш. (2021). Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили, *Iqtisodiyot va ta'lim*, 2021, 6, 105-109. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/289> .

4. Дусияров, Ш., Чоршанбаев, У., & Муратжанова, Л. (2024). Саноатни модернизациялашда самарали солиқ механизмларидан фойдаланиш йўллари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(2), 367-376.
5. Fayziev, F. (2021). Маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мулкрий солиқларнинг аҳамияти. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/305>
6. Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич. (2024). Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилиш: ривожланиш истиқболлари ва солиқ тизимидаги ўрни. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 387–402. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3052>
7. Abdullakhojaevich, F. F. (2020). Peculiarities of assessing real estate by market value for the taxation purpose. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(7), 92-100.
8. Файзиев, Ф. (2020). Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари. *Экономика и инновационные технологии*, (1 (2)), 218-227.
9. Abdullaevich, K. M. (2020). Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(8), 129-135.
10. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Яширин иқтисодиётга қарши курашишда фискаль сиёсат, хорижий тажриба, муаммо ва ечимлар. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 257–265. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3039>
11. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Солиқ маъмурчилигида молиявий технологиялар – хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш омили сифатида. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 266–276. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3040>
12. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Қўшилган қиймат солиғини қўллашнинг халқаро амалиётдаги моделлари. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 295–302. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3043>
13. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Хуфиёна иқтисодиёт шароитида фискаль сиёсати ва унинг назарий асослари. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 303–313. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3044>
14. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Божхона тўловларини ундиришда молиявий технологияларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 314–324. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3045>
15. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. *Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции*, 146-154.
16. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini takomillashtirish va normativ-huquqiy asoslari. *World Scientific research*

- Journal, 23(2), 344–351. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3048>
17. Курбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Fiskal siyosat bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi va uni qo'llash muammolari. World Scientific Research Journal, 23(2), 352–361. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3049>
18. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
19. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
20. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
21. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
22. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
23. Хамидова Сулув Янгибоевна. (2023). Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўтказиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш асослари. "XXI ASRDA INNOVATION TECHNOLOGIYALAR, FAN VA TA'LIM TARAQQIYOTIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 1(8), 8–22.
24. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
25. Qlichev Bakhtiyor Pardayevich. (2023). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
26. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
27. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728.

28. Хамидова С.Я. (2023). Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш ва параллел усулларда тузишнинг ташқилий жиҳатлари. "Conference on Universal Science Research 2023", 1(8), 18–23.

29. Yuldashev, J. A. (2023). Marketing Principles of Formation of Reserve Funds in the Practice of Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 3(5), 1–6. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1650>

30. Юлдашев, Ж. А. (2023). Изучение современного состояния банковских поступлений, формы развития внутрибанковских и межбанковских расчетов. *World scientific research journal*, 12(2), 186-196.

31. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.

32. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 2(10), 25–32. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>

33. Самадова, Н. Р. (2024). КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ COMPLEX ANALYSIS OF THE ECONOMIC COMPETENCE OF THE ENTERPRISE. *World scientific research journal*, 23(2), 174-181.

34. Samadova Nargiza Rasulovna. (2023). Ways to Analyze Financial Potential Based on the Balance Sheet. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(12), 65-67. Retrieved from <https://cajitmf.centralasianstudies.org/index.php/CAJITMF/article/view/661>

35. Маматкулов, А. Х. (2023). Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 142-145.

36. Маматкулов, А. (2017). Совершенствование учета затрат в производственном учете на хлопкоперерабатывающем предприятии. *Экономика и инновационные технологии*, (3), 111–117. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9264

37. Rozmatovna, Y. U. (2022). Improvement of Intangible Assets Accounting and Auditing. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 102-104.

38. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI TARTIBLASHDA BOZOR MEKANIZMI . *Journal of New Century Innovations*, 30(3), 12–13. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/7342>

39. Nurmanov, U. A. (2022). Budgeting in the management of current assets. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 2(1.1 Economical sciences).

40. У.А. Нурманов. (2024). Жорий активларни бошқаришда тизимли ёндашишни такомиллаштиришнинг муҳимлиги. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 277–286. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3041>

41. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар кўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
42. Yuldasheva, U. A. (2022). THE IMPACT OF THE TAX BURDEN ON THE FINANCIAL ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES. *ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA*, 1(1), 55-63.
43. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2024). WAYS TO OPTIMIZE THE TAX BURDEN ON ORGANIZATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 20, 248–253. Retrieved from <https://www.americanjournal.org/index.php/ajbmeb/article/view/1782>
44. Yuldasheva, U. (2022). IQTISODIYOTNING XALQARO INTEGRATSIYASIDA INVESTITSIYALARNING O'RNINI VA AXAMIYATI. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(4), 336–345. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/iclt/article/view/2742>
45. Юлдашева, Д. А. (2024). ИНФОРМАЦИОННАЯ ОСНОВА ОЦЕНКИ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. *World scientific research journal*, 23(2), 57-66.
46. Yuldasheva D.A. (2023). INFORMATION AND ANALYTICAL BUSINESS ENVIRONMENT AND ITS INTERACTION WITH ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 4(1), 9-12. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/3106>
47. Сагдиллаева, З. А. (2024). ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *World scientific research journal*, 23(2), 191-198.
48. Сагдиллаева, З. А. (2024). СОДЕРЖАНИЕ И ПОРЯДОК ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ, СФОРМИРОВАННЫЙ НА ОСНОВЕ МСФО. *World scientific research journal*, 23(2), 437-442.
49. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
50. Sardor Umarovich Kholdorov (2022). Investitsion loyihalarini moliyalashtirishda xavflarni baholash va boshqaruv masalalari. "The processes of digital transformation in the economy, finance and management in the context of a pandemic", 6, 916-927 pp.
51. Сардор Умарович Холдоров (2022). Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион фаолиятини молиялаштириш истиқболлари. "Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: мақсад, тамойиллар ва ривожланиш истиқболлари", 3, 326-329 б.
52. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Корхона солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлашда солиқ аудитининг роли. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 134–142. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2871>

53. Абдуллаев, А. Б. (2019). Совершенствование учета и анализа налогов improvement of accounting and analysis of taxes. ББК 65.052 Б 94, 10.
54. Абдуллаев Аббор Бозарбоевич. (2023). Солиқ таваккалчилигини бошқаришда солиқ аудитининг роли ва вазифалари. World Scientific Research Journal, 21(1), 166–175. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2874>
55. Abdullayev, A. B., & Ochilov, O. I. (2021). A new approach to the methodology of tax analysis. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(9), 19-25.
56. Якубов Улугбек Касимович. (2024). Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий- иқтисодий ҳолатини таҳлилида ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларидан фойдаланиш масалалари. World Scientific Research Journal, 23(2), 428–436. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3055>
57. U.Yakubov, Q.Altiyev, Sh.Maxmudova. (2022). Biznes tahlilda raqamli texnologiyalar. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 236 b.
58. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Ta’limda texnologiyalarni qo’llash hamda xorijiy tillarni o’rgatish orqali mutaxassislarini malakali kadr sifatida chiqarish islohatlari. Scientific approach to the modern education system, 2(18), 62-64.
59. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Kichik biznesga qanday yengilliklar beriladi, kimlar 20 mln yoki 30 mln to’lasa soliq hisobotini yuritishi shart emas, 2023 yilgi soliq o’zgarishlari. ijodkor o’qituvchi, 3(32), 30-32.
60. Қиличев Ботир Пардаевич. (2024). COVID-19 пандемиясидан кейин туризмни ривожлантириш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 39(2), 130–134. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/01/article/view/11578/11219>
61. САГДИЛЛАЕВА, З. А., & ЧОРИЕВ, И. Х. (2016). Проблемы аудита оплаты труда. In *СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЯ: ПОИСК ОПТИМАЛЬНЫХ РЕШЕНИЙ* (pp. 113-119).
62. Choriev, I., & Mamatqulov, A. (2018). THE EFFECT OF DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ON SEGMENTAL SEPARATION OF POPULATION. *International Finance and Accounting*, 2018(5), 12.
63. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). РАСЧЕТ РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА (ROE) В УЗБЕКИСТАНЕ . World Scientific Research Journal, 23(2), 182–190. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3031>
64. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КОЭФФИЦЕНТЛАР ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 23(2), 149–162. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3028>